


Ёқуб ДАРМОН

КУМУШНИНГ АСРИДАН  
КЕЛГАНДАЙ БЎЛДИНГ...

Шеърлар ва достон



“Наманган” нашриёти  
2005



## ЭЖТИМОЛ, ДУЧ КЕЛАД ИЗЛАТ АЖУМИЗ...

Илмий ишларим жараёнида меҳнат столим четида кўпинча бир неча шеърий китоблар дасталаниб туради. Гоҳ-гоҳ уларни варақлаб, кўнгилга яқин мисраларни такрорлаб, рухланаман. Шу тариқа мен тез-тез кўз ташлаб турувчи тўпламлар орасида журналист биродарим Ёқуб Дармоннинг тўртликлар китобчаси ҳам бор.

Мана, шоир ҳамюртимизнинг яна бир тўплами нашр этилмоқда. Бундан мен ўзгача бир қувонч туймоқдаман. Зеро, Ёқубжон менинг нафақат яқин ҳамфикр дўстим, балки талабалик йилларимда бир ёниб-ўчган шеърий ижодга ҳавасимни қайта алангалатган, "Сирли олам" деб номланган биринчи шеърий китобимга муҳаррирлик қилиб, мени ҳар бир шеър устида қайта-қайта ва завқ билан ишлашимга сабабчи бўлган, устозлик қилган кишим ҳамдир. Буни мен заррача хижолат чекмай таъкидлайман. Унинг бошқа бир қанча иқтидорли қалам эгаларига ҳам яқиндан ёрдам бераётганига шохидман. Бу соҳада ўзининг адабиётдаги катта устозларидан намуна олмоқда.


*Муҳтарам ўқувчи!*

Кўлингиздаги тўпламдан ўрин олган битикларнинг кўпчилиги менга ҳам ҳали нотаниш, уларни Сиз билан бир пайтда ўқиб чиқаман. Фақат шунга яхши биламанки, Ёқуб Дармон масъулияти етарли даражадаги ижодкор бўлиб, куй-оҳангга йўғрилган сатрларга ўқувчи нега кўз тикажаси ҳақида, ҳар қандай одамнинг кундалик ҳаётнинг айрим дақиқаларида нега албатта шеър эшитгиси, ўқигиси келиши тўғрисида доимо ўйлайди. Шу боис имкон қадар кўпроқ руҳбахш ва умидбахш, фикрчан шеърлар ёзишга ҳаракат қилади. Бас, шундай экан, кўнгил ҳамдами, сирдош-суҳбатдош бўла олгувчи янги шеърларга яна дуч келишдан умидвор ҳолда ушбу тўплам мутолаасига киришамиз...

Қаҳрамон ҒОҒУРОВ,  
техника фанлари доктори,  
профессор.

491-920,14-1115750  
НГ \_\_\_\_\_ 2005  
492-4,0-(08)-05

© "Наманган" нашриёти





## ТОНГ

Азиз сўқмоқлардан ёришади тонг,  
Атрофда куйманар бир билгисиз сас.  
Рангларга, ўйларга қоришади тонг,  
Киприкларга қўнар шудрингли нафас.

Уфқлар томонда ажиб ибтидо,  
Садосиз ёйилган ловуллоқ жаранг.  
Алвон ташналиклар тонг учун фидо,  
Тириклик-кашшофлик, тириклик-куйранг.

Бир гўзал фармойиш балқир кунгилдан:  
"Инсон, пойингга-да бир зум боқиб қўй".  
-Тинмагур жонингдан айланай, зўрсан,  
Чумоли, сен ҳам мен сингари, вой-буй!

Хўрозлар кичкира-кичкира тинди,  
Қушлар қир, ёбонга учди пайдар-пай.  
Билганга каттакон қўрқув йўқ энди,  
Буюк жонпарвар бор, ҳаммага бирдай.

Ҳали бош кўтариб улгурмай, ана,  
Заминга йўллади карвон-карвон нур.  
Кўчага уч - туртга одам чикқанда,  
Энг сўнгги чирок ҳам ўчди баҳузур.

Тонг...

Яна бир марта нуроний дунё  
Бокийлик нашъасин кўрмоқда тотиб.  
...Қуёш қуёшлигин эттирар давом,  
Чўқкилар қолмоқда қўлин узатиб...

20.09.1973

## ЖАВОБ

Қайга ҳам борардинг, тўғри, бир зумлик  
Чакмоқ ёруғида.  
Қилча ҳам чекинмас тун, қоронғулик  
Чакмоқ ёруғида.

Фош этилмас четдан отилгувчи ўк  
Чакмоқ ёруғида.  
Жарроҳи қилинмас хатто сизловук  
Чакмоқ ёруғида.

Шамчиноқ кучланмас, ё бўлмас адо  
Чакмоқ ёруғида.  
Ғунча лаб изланмас ёр васли аро  
Чакмоқ ёруғида.

Денгизда кемани таъмирлаб бўлмас  
Чакмоқ ёруғида.  
Эшак, шамол юлиб кетса, топилмас  
Чакмоқ ёруғида.

Бир тенгсиз ҳодиса рўй берар аммо  
Чакмоқ ёруғида-  
Ёдини та тушади Осмон ва Худо  
Чакмоқ ёруғида...

7.06. 2005

## ЖАҲОН, ХАРИТАНГДА ...

*Янги глобусга боқиб*

Муборак, ҳақ қарори,  
эй жаҳон, харитангда,  
Бихамдиллоҳ, бу кун озод  
Турон харитангда!

Қуёшли бағри ўзбекнинг  
ўзхал нақшланмиш,  
Ки ўчмиш қонли қўл чизган  
ёлғон харитангда.

Ажиб тимсоллара молик  
суйқун диёрлар кўп,  
Хумони чорлаган қутлуг  
бўстон харитангда.

Камол топ, бунданам яшна,  
бут бўл, кабир дунё,  
Навоний куйлаган тупрок-  
иймон харитангда.

Самарқанддек шаҳарларким,  
бурҳон етукликка,  
Неча минг кишлоғи  
юлдузқўрғон харитангда.

Неча анжумани олий тузсанг,  
буюр, Тошкент-  
Башар орзусига олтин  
нарвон, харитангда.

Кўзимнинг гулшани сен-сен,  
жаҳон, бу кун сенга  
Ошиқлик жон қадар, илло,  
бу жон харитангда...

25.01.1995

## ЖЎНАТИЛМАГАН МАКТУБ

-I-

Мен сени эсладим бугун боғларда  
Атлас шаббодалар эсганда хур-хур,  
О, олис ёшликда, толиб чоғларда  
Қалбимга кўп кунлар ҳамдам бўлган Гул!

Бугун сендан хабар келтирди бир дўст,  
Насиб этмиш ҳаёт комрон, осуда.  
Хотира дафтарга такрор тикдим кўз,  
Безовта саволлар исминг остида.

Энди ул саволлар ўчгуси тугал,  
Ҳақ чиқди айрилик йўли оқибат.  
Лекин ёдингдами, ўшанда чигал  
Такдирга не сабаб бўлмай қолдик банд?

Изн бер, шул ҳақда сўз битай бир бор,  
Зотан. умримизнинг айнаи фаслида  
Заминий туйғулар келмайди малол,  
Диллар кўп талпинмас парвоз қасдида...

-II-

Эртага Янги йил. Ётоқхона тунд,  
Жимжитлик. Кетдилар соғинчлар бошлаб.  
Сен уча олмадинг - тоғ, туман, булут...  
Мен ҳам кетолмасдим бир ўзинг ташлаб.

Мендан аразлийдинг анчадан буён,  
Ортиқ куйдирмас лек мени бу араз.  
Ҳавас бор, юриш бор - муҳаббатсимон...  
Ва ёлғиз қолмоғинг бу кеч мумкинмас.

Қарши қаватдаги таниш дераза,  
Қор тўла борликқа очилди ногоҳ,  
Оппоқ учқунларга қўлларинг чўза,  
Ярашув онидан айладинг огоҳ.

Оқшом. Битта сенинг хонанг чароғон,  
Рангин либосларда кетгансан яшнаб.  
Уфура олмазор бўйин дастурхон,  
Магнит лентасида Шерали, Зайнаб...

Ўртада жонимдан тухфа - гулдаста,  
Изма-из илтифот, шўхлик, сокинлик.  
Тун оғди. Мен гўё жондор... Сен эса  
Қурбонликка ўзин чоғлаган кийик.

Бир маҳал қарасам, бундок қарасам,  
Борлиги ростми ё ёлғондай бўлдинг.  
Каттакон рўмолда жуссанг бир тутам,  
Кумушнинг асридан келгандай бўлдинг.

Нақшбанд, шафақранг қадимий рўмол,  
Мархума онангдан ёдгормиш сенга.  
"Энг бахтли кунингда, қизим, ўраб ол", -  
Деган сўзларини тердинг кўксимга.

Мўлтираб боқардинг рўмол остидан,  
Кўзимдан қайноқ ёш қуйилди ногоҳ.  
«Ув-в» тортдим алдоқчи кўнглим дастидан,  
Чекиндим, ўртада гўё ўпкон, чоҳ.

Отилдим ташқари. Қор босиб юзга,  
Тошйўл хиёбонда кезиндим дардчил.  
Тангрига ёлвордим: «Бахт бер шу қизга,  
Чин ишқни бошидан сочолон қилғил ...»

Кейин кунлар кечди кўзга кўз тушмай,  
Кейин баҳор келди ёзиб қулочин.  
Қишлоқдан хат олдим лола баргидай,  
Сенинг ҳам қўлингни тутди бир лочин...

-III-

Баски, бугун бундок хаёлий висол,  
Соғлигинг, тинчлигинг, бахтингдан кейин,  
Сўрайман:- Айт, ўша қадимий рўмол  
Ҳамон бисотингда борми, билайин.

Нақшбанд, шафақранг қадимий рўмол...  
Асл бахт асноси солдингми бошга?  
У гувоҳ бўлдими ишқингга зилол,  
Учлари ивимамай аччиқ кўз ёшга.

Дунёдан армон-ла ўтган донишманд  
Волиданг руҳи шод бўлдими чандон?  
Шайтон ҳар қайда ҳам ташлайди каманд,  
Ул рўмол ёдидан топдингми имкон?

Рўмолким, улуғвор, қадимий урф,  
Ўғил-киз тўйида ўрагандирсан?  
Кумушнинг асридан келгандай бўлиб,  
Ёшларга оқ йўллар сўрагандирсан?!

Эх, қани, қўлимга,  
Сен уни ўраб  
Тушган сувратингдан етса бир дона...  
Кўксимга ойдан оқ ёмғир шивалаб,  
Мендан-да масъуд зот бўлмас дунёда...

- IV -

Мен сени эсладим бугун боғларда  
Атлас шаббодалар эсганда хур-хур,  
О, олис ёшлиқда, толиб чоғларда  
Қалбимга кўп кунлар ҳамдам бўлган Гул...

5.10.2000





**РАУФ ПАРФИ  
ХОТИРАСИ**

Нега яшамадинг узокрок, ога,  
Ёхуд сал қисқарок, сочабермай сир.  
Энди сени ўзбек шеъриятида  
Талашиб юради иккита Аср...

17.05.2005

**СИЁСИЙ ИҚТИСОД ҲАҚИДА ШЕЪР  
ЁКИ ДЎСТИМГА ТИЛАГИМ**

Қалб - муқаддас,  
У ҳақда сўз йўқ.

Бўрини оёғи боқади дерлар,  
Қулоғи боқади кимнидир.  
Кимнидир тегирмон тили тўйдирар.

Бир куни ул юзин,  
бир куни бул юзин  
боқувида юрганлар йўқмас.

Кимнидир "қуруғ",  
Кимнидир кўпик-  
берилмаган қайтим-  
тупук боқади.

Сени шу қўлларинг боқсин, дўстгинам,  
Шу қодир қўлларинг боқсин ҳамиша.  
Бошинг боқсин,  
Фикрчан бошинг.

1983



---

## МАНЗАРА

Тунги дарё - ваҳшатли лашкар,  
Ўзни ташлар юксакдан, ёху!  
Зарб қайтарар четдан харсанглар,  
«Ўзингни бос, эй басир орзу!»

Бокса, бебош суронлар пастда,  
Талашиш - у, қайнаш, оху вой.  
Туриб қолди дилгир, шикаста,  
Шаршаранинг нақ кўксида ой...

18.06.1987

## МУЗДАЙ ЗИЛОЛ СЎЗЛАР БИЛАН

Мен сенга кўнглимни очдим,  
нега саклайсан сукут?  
Кафтларингни юзга тутма,  
тут, менинг жонимга тут!

Ховучингни тўлдиройин  
орзу-юлдузлар билан,  
Бир боқ-у, осмонга соч,  
чақнамаси бўлсин нобуд.

Сен менинг ёрим эсанг,  
ёндирмагил, ёнғин етар,  
Сойланиб, дарёланиб,  
водийи ёнғонимдан ўт.

Дарди баркимни совут  
муздай зилол сўзлар билан,  
Кўкрагимдан аста-аста  
сидрилиб тушсин совут.

Сидрилиб тушсин совут,  
бўлсин унут бот жанг куним,  
Шундайин ором билан  
соғинтириб ҳар кеча кут.

Иккимиз ҳам юрт боласи-  
тоғ тутай кўксимни мен,  
Сен ўзингни рамзи бардош-  
наъматак сингари тут.

25.06.1980

## ПОРТРЕТ

*9 майда ёзилган шеър*

У қўрқиб яшайди, бу ҳис жавҳари  
Қалбида милтираб турар тинимсиз.  
Тарк этмас, юрганда орзулар сари,  
Тарк этмас, депсиниб қолганда ожиз.

Бу туйғу қаердан бунчалар дохил,  
Бу ҳақда ўйламас, сомедир биров,  
Қўрқув шарпа янглиғ кечса-да енгил,  
Тоғдай залвор билан босганда ҳам гоҳ.

У қўрқиб яшайди, шу боис эрта  
Бошини заҳматлар гарди буркади.  
Нелардан қўрқади? -  
Тангридан. Сўнгра  
Бировнинг ҳаққидан қўрқади.

Инчунун, сесканиб кетар, сиртпараст  
Бошлаб бўяётса чирик нарвонни.  
Ёхуд минбарларда Ҳақ жамолинмас,  
Курса одам шаклин олган шайтонни.

Нодир истеъдоднинг, дейлик, пойтахтда  
Юрганин эшитса майга ўч, вола,  
Жунжикар, деб: бирор бекут фурсатда  
Завол топтирмасми безори гала.

Норасо, ўткинчи илмдан кўрқар,  
Норасо ноёб деб пешток, палакка,  
Мумкинки, ёвнинг-да нағалин қадар,  
Гурур туйғулари кетар пинакка.

Янги кашф этилган буғдой уругин  
Оч дехқон ноилож қўймадимми еб.  
Хатто кўриқхона ёқлар нега жим,  
Сўнгги йўлбарслар ҳам кетганми ўлиб?

Кўркади, уйқуси қочар тунлари,  
Туз босиб муз тоғлар суюлмоқда-ку.  
Кўшлар, диллар тугул, бундан ҳам нари  
Ернинг хаво томи ўйилмоқда-ку...

У кўркиб яшайди ва аллақачон  
Кўксига "нотавон" ёрлигини осган.  
Ва англар - ўзига бу безовта жон  
Нималарни очган, неларни тўсган.

Шундай яшар,  
балки, шундан серяпрок  
Рухият дарахти - чинор, арчаси.  
Шундай яшаганди, менимча, йирок  
Ва яқин мунаввар зотлар барчаси.

Шундай яшаганди, хусусан, Ғарбдан  
Қўпганда фашизм - балойи кабир,  
Жангтоҳда, мардларга ажал сочётган  
Дютта кўксини

жим...

босган...

ботир...

9.05.2000

## НОЛА

### Шеърӣй новелла

Эшитдим, Уйчининг гузарларида,  
Сокин хиёбонда, бозорларида,  
Ўздан беҳабар юрармиш сарсон...  
Кимдир эрмаклайди, ким боқар хайрон...  
Хиномас, кир-қурум панжаларида,  
Жандалар эгнида, почаларида...  
Водариф, бу қандай эврилиш, инкор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Эслайман, о, қандай фируза қиз у,  
Тип-тиник шуури юлдуздан ёғду...  
Сиртдан ўқий туриб "Шарқшунослик"да,  
Қаламин синамоқ булди хосликда.  
Олти ой ишлади таҳририятда,  
Ва кетди мардона, ойдин ниятда...  
Табиб бўлмоқчийди, бўлдими бемор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

У "Ўтган кунлар"ни ўқирди ёддан,  
Кумушни изларди атроф ҳаётдан.  
Ўзи ҳам Кумушдек закий ва туйғун,  
Сочлари шалола, гулчехра, дуркун.  
Гарчанд сўз ўйинда арғумоқ эди,  
Кўзларда қайғуси беадоқ эди.  
Нега "эди" дейман, омон бор-ку, бор!  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Тутқун дил эди у сирли бир ғамга...  
Мен билан яна бир адиб одамга,  
Ул сирни очганди, дедики: аниқ,  
Бир кун иккундан озаман қаттиқ.  
Ўтинди: ўшанда мен-ку ўнғайсиз,  
Шўрийда онамни йўқлаб қўйғайсиз.  
Онасин аввалроқ чақирмиш мазор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Билдикки, ўн саккиз ёшли моҳитоб  
Билан элликдаги ишратбоз арбоб  
Қурган оиладан у ёдгор келар,  
Онасин бир умр маломат талар.

Ота ўтиб кетмиш аллақачонок,  
Рўзгорда ун бўлмас гоҳо бир қадоқ...  
Етмасми бу қадар ўсгани абгор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Гарчанд ишқ истаги ўртайди пинҳон,  
Севиш-севилишдан кўрқарди ёмон.  
Сабаби, уйдаги кечмишми ёлғиз,  
Йўқ, йигит тақдирин ўйлар эди қиз.  
"Бир куни уйғонсам дард билан у хил,  
Қаноти, орзуси синмасми чил-чил".  
Ҳали йўқ ёрини аярди ҳушёр,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Шифокор-олима суврати ёнда,  
Ул зотга ҳаваси барқ урар жонда,  
"АДМИДа ўқиш-ку имконим қадар,  
Ох, қани, ёзолсам тиббий асарлар.  
Эскича саводим йўлҳасса бўлса,  
Сино чашмасидан кўзачам тўлса..."  
Эҳтимол, Фан ҳазрат унга интизор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Воқифсен, аслида фоний очунда,  
Телбалар зиёда, баттардир жуда.  
Бир эзгу мақсадсиз юрганлар озми?  
Ўзича, сенга тенг турганлар озми?  
Бириси мустаҳиқ лўттивозликка,  
Бири сўз шарафин булғалар тикка.  
Доллар жазаваси тинмаси қанча,  
Амал деб, номусга қўнмаси қанча...  
Нега боз устига бу янглиғ такрор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

Қайтар, инсонликка кўрку зеб бўлғай,  
Ёшлиқ давраларда ўйнагай, кулғай.  
Бир марди майдонга ёр бўлақолсин,  
Қўлида чақалоқ бор бўла қолсин.  
Гулдай парваришлаб иқтидорини,  
Кашф этсин эл муҳтож малҳам-дорини.  
Сенинг ҳукмингда-ку ҳар ниҳон, ошкор,  
Уни ўз ҳолига қайтар, Бирубор!

15.08. 2001

## ВОКИФ

*Бағишлов*

Мен биламан Абдул Сатторни,\*  
Билганимни айтишим бурчим.  
Журналист у софдил ва орли,  
Шундан яшар учма-уч, йўқчил.

Асосийси, шеър ёзар боплаб,  
Нафис шеърлар-юракка мазза!  
Уйда қўйи ўлар-у очкаб,  
Хазонбаргта тутгайдир аза.

Сойми, дарё ёкалаб юрсак,  
Рухлантиринг дейди, ўтинар.  
Тарк этади мени фалсафа,  
Гуллай бошлар хаслар, ўтинлар.

Гоҳ жайдари, гоҳо олифта,  
Хатоси қўп, янглишувлари...  
Лекин бир зўр шеъри олдида  
Бекор бўлар буларнинг бари.

У атайлаб ўспирин кезде,  
Айёр қизни севган, биламан.  
Ишқ достонин ўқиса, кўзда  
Жиққа ёшим билан куламан.

Баҳорларда, кузда кўпинча  
Кўкси ғулув, суронга тўлғай.  
Шунда мени сиз кимсиз дея,  
Менсимовчи пайти ҳам бўлғай.

Хафа бўлар десам: гўрсиз, той.  
(Билмайдики, шу ҳолим тугул,  
Мен у билан яёв, ялангпой,  
Кезинардим бўлсам-да Бобур).

Рўйхатларда борми, қаёқда?  
Шундан баъзан тушкун, домангир.  
Аммо билар катта элакда  
Донинг колса басдир бирон бир.

\*Чўжа қишлоғилик ёш шоир.

Мен биламан Абдул Сатторни,  
Балки бир кун билмай қоларман,  
Бир четига шеърлар дафтарин  
Рух капалак бўлиб қўнарман.

Кетинг, дейди авайлаб чертиб,  
Ёки қайтинг дейди, соғиндим.  
Энг мухими, бўлурман воқиф:  
Сози созми, қалбими ҳоким?

Ҳали оқшом сайр этиб бирга  
Юрсак, кўкда учди бир юлдуз.  
Наздимда, ул юлдуз шоирга  
Излаб кетди гўзал таҳаллус...

Мен биламан Абдул Сатторни,  
Тупроқ сезган каби баҳорни...

2.02.2001

## СЕНСИЗ

Сенсиз нима - кўкда камалак,  
Тамом фарқсиз- булбулми, қарға.  
Баҳорга - да очилмас юрак,  
Парвойим йўқ ҳеч бир фаслга.

Сенсиз тунлар- ташландик, чуқур,  
Тирговчулар фирсийловчи кон.  
Зулмат аро излаб парча нур,  
Тонгга ҳолсиз судралар имкон.

Сенсиз кунлар - чеки йўқ сахро,  
Қуюн кезар - қақраган тўлқин.  
Атай тикан босаман гоҳо,  
Тириклигим пайқамок учун.

Сенсиз орзу юкланган умрим-  
Кўкраги дарз кетган кемадир.  
Юза - муҳим, саёзлаш - муҳим,  
Орзуларни отаман бир-бир.

Бок, шу қадар кераксан, бағрим,  
Тушун, сенсиз мен ожиз, майда.  
Тушун, сенсиз ой-у йилларим  
Ўтар жонни асраш пайида...

1983

### «СУВОРА» ТИНГЛАБ

Не толелиғ кун эрдик, мени эй гул, ошиқ этдинг,  
Дилим толаларин ялдо сочингта чирмашуқ этдинг.

Кўшқдек тикладинг танни бу гулшанда бериб ахдлар,  
Бали, кўшқда ёқиб жоним чароғи ёрашуғ этдинг.

Шудирки бахт, сени рашк айламакка эҳтиёж йукдур,  
Тугул кимса, ўзингни сен ўзингдан ҳам рашк этдинг.


Неча гирдобга солдинг сен, сурундим қоя-тошларда,  
Бу тақдирни Тохир сандигидек мен-чун пишиқ этдинг.

Бу сандикда ўзим ёлғиз, томошочим ўзим ёлғиз,  
Ўзимни бир ўзимга беомон унсиз кўшиқ этдинг.

Сўраб олгунча бир қошиқ қоним шубхам учун, эй гул,  
Кўзим толғин, юзим сориг, қонимни бир қошиқ этдинг.

...Нисор этмаски жонни у кўролмас тушда ҳам дебдур,  
Ёкуб, ухламадинг, балки то тонг рихлат машқ этдинг.

1990



## КОВУРИЛМАГАН ДАНАКЛАР

### *Тўртликлар дафтаридан*

1

Кўпинча зид келар ҳаёт ва сахна,  
Балет томошоси: куй-миллийгина.  
Либос ҳам ўнг-терсни ёпмиш дуп-дуруст...  
Ташқарида нима бўляптийкан - а?..

2

- Сенга не тартиб хуш, эй Бурга пошша,  
Дунёни бутунлай ислоҳ қилишса?  
- О, қани, бир жойдан қон сўрар пайтим,  
Нарироқ бошқа жой ўбдон қичишса...

3

Обжувоз. Келига тушиб кетган гишт  
Гурунчни айлабди бозоргир, қизгиш.  
Ўйлайман, шу янглиғ арзимас-масми,  
Шу кунлар мен фидо бўлаётган иш...

4

Хавасда, тақлидда чама муҳим, бил,  
Билмасанг, ҳайвонот боғига киргил.  
Музқаймоқ чўпчасин тутган қўл титрар,  
Куракни кугариб интилганда фил...

5

- Туғма, ўласан-ку илк тўлғоқдаёк,  
Дедилар. Жон тутди ёш аёл бироқ.  
Ўзингизни осинг, ҳамма шоирлар,  
Агар шу бола ҳам ўсса номардрок.

6

Пояда митти тож, самар-қўйतिकан,  
Юзлаб найзачаси юз ёк ўқталган.  
Шунча муҳофизкор кучга яраша,  
Бағрида муқаддас бир не бормикан?

7

Адабиёт кучли атомдан магар,  
Кучлига-да кучли ичиндан хатар.  
Адиб лаббайчилик қилса, ушбу ҳол-  
Атомчи морбозлик қилгандан баттар..

## 8

- Фалон шогирдингиз, аё Муаллим,  
 Каттик сўзингизга лойикдир - золим!  
 - Шундайми... етказинг: ундай кимсани  
 Қирк йил кўрмасам-да соғинмас эдим...

## 9

Кенжатоё шогирдим бутлаб ўн сатр,  
 Кичкина ёлғонга зарб урибди бир.  
 Қуён отиб кепти. Лекин пойига  
 Ёйўларе пўстагини тўшасам арзир...

## 10

Нафислик, ичкилик, лирика ўйчан...  
 Баҳосин олмоқда бугун янгидан.  
 Қорнинг очқаб турса, игна кўзин, қўй,  
 Тандир оғзини ҳам топа олмайсан...

## 11

Юртни, жамиятни ўйламай ҳеч бир,  
 Нечовлар худбинлик авжида бикир.  
 Бундайлардан зада аҳли чорва ҳам,  
 "Хўл бало — ўзини эмувчи сигир..."

## 12

Домла, мен ҳов баланд жойдан, уф-ф, хийқ-хик,  
 Бағишлаб бир сўз денг, майли, йўл-йўрик...  
 Хўп тингланг: балкондан эгилган ҳолда  
 Чучқурманг, айниқса, паст бўлса тўсик...

## 13

Кимгадир уфқдаги жимираш кўрқинчли,  
 Кимга тантанада шивирлаш кўрқинчли.  
 О, Ишқ, қайта келсанг, бошка ёқдан кел,  
 Тирилма, кулдаги қимирлаш кўрқинчли...

14

Ок гул бутасида ок калтакесак,  
Куюк барглар аро жўшқин, жонсарак.  
Нега мослашмабди хоким рангта у,  
Нега оқ? Сабаби, ишқми ё юксак...

15

Кўкларда эркин куш... "Гўзал-а, зўр-а!"  
Асли у ризк ташир қийналиб, зўрға.  
Шундай-да, қаноти борга осонмас,  
Унинг жанг пайти ҳам ухшар сайрга...

16

Тараққиёт бор-у, қарови йўқди,  
Буни ким укмади, кимлардир укди.  
Хай-хай, дастурхонга чикди курк товук,  
Жўжалар, бўш келмай, вазага чикди...

17

Меъмор, куп берилма зийнат жазбига,  
Кўпроқ бок соҳиби жоннинг ўзига.  
Девордаги ҳеч бир нақш арзирми,  
Махваш путидаги пайпоқ изига...

18

Шуям ҳамюртми-а, тулкифеъл купас,  
Унга ўз савдоси юриб турса бас.  
Одамликдан чиқар бойиган сари,  
Чучкурсанг, саломат бўлинг, деб қўймас...

19

Парво йўқ захматкаш чўян билакка,  
Зўр берар ким ияк, кимдир кўкракка.  
Бозорда кўз-кўзлаш авжидан сўнг, бок:  
Олам тўлиб кетмиш қуруқ илгакка...

*Усмон АЗИМга*

Шеър ёзмок - киртайиб қолмоқдир кўзинг,  
Қон юрак қонига ботмоқ то тизинг.

Шеър ёзмок - Тангрига бормоқдир ёвук,  
Ва кўркиб кетмоқдир ўзингдан ўзинг...

## 21

Эвойки, тобора кўп касбу юмуш  
Нишони — аслият, қур, хамиртуруш.  
Газсувчи булоқни қур қилсам дейди,  
Гулзорга ўчлиғдир қоғозгулфуруш...

## 22

Еттинчи қаватда не қилар туя,  
Эр-хотин уриши, жангдир-да кўхна.  
Ерга учиб тушган "Таомнома" бутун,  
Ёрилиб ётибди "Энциклопедия..."

**Ботир ЗОКИРОВ**

Ялпи меҳр менинг тилагим эмас,  
Бахтнинг ҳам вазни бор, ортиғи-ортиқ.  
Кутаман, олқишлар янграган нафас,  
Ажралиб қошимга ёлғиз ўзинг чик.

Пичирла кўксимга кипригинг қадаб,  
Ойдин васлгоҳлар қўйнига бошла.  
Билсанг, гул дийдоринг, дилрозинг истаб,  
Кун ўтар қумдаги балиқдек ташна.

Севаман, жон толам сочларингга ўр,  
Севасан, кўзларим боғла хоҳласанг.  
Мен учун кўпчилик шодлана олур,  
Фақат сен куйиниб йиғлай оласан...

1983



## Муҳаммад ЮСУФ

Чиранчик бу дунё қурбати ҳамон  
Чиндан-да бахтиёр этмоққа етмас  
Бирон бир хақиқий шоирни... Ёлғон,  
Муҳаммад Юсуф ҳам масрур кетганмас...

Шоир, гулдастага ғарк бўлдинг минг бор,  
Лутфу мадад кўрдинг юрт сарбонидан,  
Ғарчанд, илхомингга кўксинг келди тор,  
Ғарчанд, жой ололдинг юлдуз ёнидан.

Армон оғриғисиз яшадингми ҳеч,  
Менга ҳавас қилинг дея олдингми?  
Энг жўмард сатрингни мисоли қилич,  
Мавҳумот бўйнига тўлғаб солдингми?

... Кўпинча сен дили кийикваш сиймо,  
Холий тоғ-тошларга қараб талпиндинг.  
Зотан, тирғиларди ғоратгар бало,  
Кўзлаб гавҳарларин ноёб қалбингнинг.

Сезардинг, не хатар отгуси қармоқ,  
Кулфат-ку ҳаммабон бўлиб қолмоқ ҳам.  
(Тўй узра қуёшни илмакча бор гоҳ,  
Бир унут қабрга ёқиб келмоқ шаъм).

Энг қийин иш эди қалбни асрамоқ,  
Асрамоқ шарт эди чашми зилолни,  
Асрамоқ шарт эди виждонингни оқ,  
Ғарибга шафқатни - олий аъмолни.

Ана сен... Муҳлисга лик тўла сарой,  
Хоҳласанг, минг елка- тахтиравонинг.  
Маъюссан... киришга ақча тополмай  
Турган бир ўсмирга ачишиб жонинг.

Шундай бўлмаса гар, кўнгил-гулшанга  
Бир тола зарпечак илашар ногоҳ.  
Бепарво бўлсанг бас битта ўшанга,  
Хадемай минг бири бошлайди ясоқ.

Оқибат қаламдан кочар фаришта,  
Пўстак кўнгил билан битилгай шеърлар.  
Сен буни билардинг, билиб хамиша  
Бир қўрғон излардинг дилга, бехатар.

Нажот қалъасини излардинг сен ҳам,  
Бундай қалъа борму дилга, очунда?!  
Лекин асралмоғи даркорлар маҳкам,  
Гўзал эди сенда, кўп эди чиндан.

Асрасам дер эдинг ўзбек дўпписин  
Бошни баланд тутиб киймоқ гаштини,  
Асрасам дер эдинг адолат хиссин,  
Ўзликка токатни, дарвеш ишқини.

Асрасам дер эдинг бир сўз, бир гаплик  
Боболардан мерос кенг феъл-тийнатни,  
Бирликка фидолик, ёвларга алплик,  
Маҳаллийчиликка қарши нафратни.

Барчасин асрадинг, бунга далил, бас,  
Ёниб ёзганларинг то сўнгги чарчок.  
Нақадар халқона, нақадар атлас,  
Нақадар дардқаш-у нақадар яшноқ...

Андижон фарзанди, Самарқандга куёв,  
Тошкентда юксалган, эй буюк содда,  
Сенинг казойинг ҳам маънога бой-ов,  
Бориб жон топширдинг Эллиққалъада...

25.08.2001

## ЛАҲЗАЛАР ҚУНАЛҒАСИ

Шу номли туркумдан

\* \* \*

Терақдан узилиб  
Титраб, лапанглаб  
Тушиб келаётган япроққа  
Қаттиқ-қаттиқ ҳураp кучукча.  
Ҳаётида бу биринчи куз.  
Иккинчи кузгача вақт бор анча.

\* \* \*

Ёзинг қисқа, томизги шеърлар!  
Таъбларда семириш  
Касали қаттиқ...

\* \* \*

Тонгда қорни  
Тўзғитиб, мактаб  
Сари ўтди қишлоқ боласи.  
Ўнг бетида  
Шолчанинг изи...

\* \* \*

Икки бош товуғи  
Ўлиб қолса бирдан  
Изиллаб чинакам йиғлаб юборган  
Уй бекаси ҳам,  
Сенинг фуқаронг эмасми,  
Орзулар мамлақати!

\* \* \*

Бугун  
Қатта иш қилди жужуғим-  
Кўйлагига зарра томдирмай  
Ялади қаймоқни.

Қатта иш қилди ўртанчам ҳам-  
"Ватан тарихи"дан "беш" олиб келди.

Қатта иш қилди тўнғич болам ҳам-  
Бир бемаъни топширигимни  
Бажармади ақлин ишлатиб.

\* \* \*

Сен - пашша,  
Мен дум  
Эмасмиз-ку, биродар,  
Нега бунча ёмон кўрасан мени?

\* \* \*

Олисларда қолган болалик.  
Аммо ҳамон завқ берар менга  
Оққанд эриётган  
чой вижирлаши...

\* \* \*

Оз-у соз ёзиш керак,\*  
Оз-у соз ёзиш керак.  
Оз-у соз ёзиш...  
Оз-у соз...  
Оз...  
О...

\* \* \*

Кўпроқ кепка кийиб юргувчи  
Ерлик кишиман.  
Исботлашим керак ўзбеклигимни  
Ишим билан,  
Юрагим билан.  
Сизга осон, биродар,  
Қиёфангиз ғоятда миллий.

\* \* \*

Аслий овоз  
Акс-садога  
Ҳасад қилмас.  
Чунки бунга улгурмас.

\* \* \*

Йўл узра ётмас-ку  
Севгимиз.  
У - қуш-ку,  
Унга ким қоқилиб йиқилар, жоним.

---

\*Ушбу битик атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновга Янги йил (1977) байрам ҳазили тариқасида ёзилган бўлиб, ўшанда ТсшДУ деворий газетасида чиққан, бир курсдошимнинг айтишича, домла ўқиб, қўлларидаги сигаретани отиб юбориб, қаҳ-қаҳ уриб кулган эканлар. Эсласам, ҳамон шодланаман. **Муаллиф.**



## ЮРТИМ БОҒЛАРИ

*Наманган замини мисолида  
фахрия*

Боғбон ниҳол ўтказаётир...  
Шу ниҳолдир олам меҳвари.  
Зогни булбул айлашга қодир,  
Гул водийнинг сўлим боғлари.

Бу олмалар ёр ёноғидир,  
Бу бодомлар - ёр қабоғлари.  
Тикар ўрик гулидан чодир,  
Пари юртнинг сўлим боғлари.

Хижолатлиг кутар Наврўзни,  
Ёзда кўздан ниҳон шохлари.  
Кузда ҳушбахт аёлнинг ўзи,  
Алп заминнинг сўлим боғлари.

Норин анжирига сўз борми,  
О, Косонсой атирноқлари!  
Дастурхонга камалак тузар,  
Момо Ернинг сўлим боғлари.

Янгиқўрган, Чортоқ... жавҳарсоз  
Беҳи, анор, бойёнғоқлари.  
Бир жийданга минг табиб шогирд,  
Эй, Сино юрт сўлим боғлари!

Чуст, Тошбулоқ, Уйчи, Учқўрган  
Сабалари - руҳ тароқлари.  
Ҳар баргида хикмат узатар,  
Машойих эл сўлим боғлари.

Мингбулоқда пахтазор - денгиз,  
Тубда дури, чиганоклари.  
Кемалардир елканли, гўзал,  
Ялангтўш юрт сўлим боғлари.

Попда узумтоқлар, контомир -  
Сирдарёнинг рамзий чоғлари.  
Ғуж юлдузنى бошингда тутар,  
Сарафроз юрт сўлим боғлари.

---

Тўрақўрғон қокилариким,  
Ақлу туйғу иттифоқлари.  
Қоқилтириб қўймагай қишда,  
Бобо маскан сўлим боғлари.

Сайёҳ шарбат тотғач Қутбда,  
Дейди: энди йўлим Марс сари!  
Муз тоғда ҳам ўйни яшнатар,  
Шоир юртим сўлим боғлари.

...Ҳиндда хурмо экканда Бобур,  
Ахсикентда илдиз оқлари.  
Фироқида Шох Машраб куйган,  
Наманганнинг сўлим боғлари.

Тушлар тарих ўқиб, дилга ғам  
Чўкса, тонгда қолмас доғлари.  
Тушларимга кирса мабодо  
Хур диёрим сўлим боғлари...

Ким боғ бузса, охир-оқибат  
Йўқ йўқлови, йўқ сўроғлари.  
Чин ўғлонлар шаънига зийнат,  
Ўзбекистон сўлим боғлари.

Қуёш берган нурига рози,  
Олий нишон - қўл қадоклари.  
Яхшилардан қўшиқдай қолар,  
Диёримнинг сўлим боғлари!

1982, апрель.

1995, август.



## ТОШМИР БУВАНИНГ СЕВГИСИ

- Ана, сенга курашим-  
Меҳнатимдан гапирдим.  
Мақтандим, элдан олган  
Раҳматимдан гапирдим.

Бўлди, бас.  
Ие, ие,  
Саволинг борми тагин.  
Хов, ёшлик, ишқ, уйланиш...  
Оббо, қўйсанг-чи багин.

Мухбир бола, ўзиям  
Жа қувнок, шум экансан.  
Аmmo мен Тош бувангнинг  
Ичим-кўнглим экансан.

Уйланишим достонин  
Айтиб берсам очик, дов,  
Шошдан Соат Шарифни\*  
Бошлаб келсанг кераг-ов.

... Хуп, ёзиб тур.  
Тўртми-беш  
Ёшда эдим ўшанда,  
Яъни, менда муҳаббат  
Тарихи бошланганда.

Ойимнинг Қумри отлиғ  
Дугонаси бор эди,  
Нариги маҳаллада  
Толенга ёр эди.

Ойим ўша ўртоғин  
Йўқлаб борса, кўпинча,  
Ёнбошида йўртгардим  
Мисоли той, қулунча.

Боксам Қумри аяга,  
Ой ерда туюларди.

\*ЎзТВнинг "Келин-куёв" кўрсатуви бошловчиси.

Суюб кучса, бошимдан  
Райхонбарг қуюларди.

Кўлида жажжи ўғил,  
Ховлида гулдай қизча,  
Ёз қуни. Қизча билан  
Тўп ўйнадик тўйгунча.

Ўйин тутаган чоғда  
Ногоҳ ичим жиз этди.  
Бошимда бир ғалати  
Ўй вриси виз этди.

Мезбонлар биз меҳмонни  
Кузатар чоғ кўчада,  
Аёллар қаршисида,  
Ҳоз турдим кизиб жуда.

- Ойи, - дедим, - шу кизни  
Биз уйга опкетайлик.  
Йўқ деманг, Қумри ая,  
Дуо қилиб кетайлик.

Ая деди: хай-хай у,  
Шаҳарлик жиянчам-ку.  
Ўз ойнсин юраги,  
Сизга нега кераги?

- У менга ёқиб қолди,  
Келин-қуёв ўйнайман.  
Қочиб кетмоқчи бўлса,  
Оёғидан бойлайман.

Пўписи килди ойим:  
- Биласанми уят-на?!

Ая деди: -Майли-ю,  
У сендан уч ёш катта.

Айтдики, девдай эркак  
Бўлганинг бир замонда,  
Хотинингта укадай  
Бўлиб турсанг ёмон-да.

Буни эшитгач, ерга  
Юмалаб, чанг тўзғитиб,

Кичкириб уввос солдим,  
Шу кизчани беринг деб.

Ая менга эгилди:  
"Сени яхши кўраман.  
Хўп десанг, сенга бошқа  
Зўр киз туғиб бераман.

У шундай бўлсинки, ох,  
Шахло кўз, момақаймоқ.  
Оти бўлар Ҳилола,  
Сочи бўлар шалола.

Кўли гул чевар бўлар,  
Игна-ипи зар бўлар.  
Сенга бўлиб чин ўрток,  
Кўйлақлар тикар оппок.

Олиб ўша гўзални,  
Бўласан бизга куёв"  
Бу гап мойдай ёқди-ю  
Йиғидан тиндим дарров.

Шу кундан бошлаб, ая  
Қаердаки кўринса,  
Этагидан тутардим,  
Ваъдасин эслатардим.

Дер эдим: Менга қачон  
Хотин туғиб берасиз?  
У дерди: Оҳ, қақажон,  
Сабр қилиб турасиз.

Атрофга бирров қараб,  
Уқтирарди пичирлаб:  
"Қистайверманг-да факат,  
Қилаяпман ҳаракат".

Бундай чоғлар, айниқса  
Сизлагани ёқарди,  
Қачонгача кутаман,  
Деб юрагим оқарди.

...Ёзмиди ё кузмиди,  
Бир куни ойим бошга

Ёлинчиқ солиб, уйдан  
Чиқиб кетди шошганча.

Дадам деди: Ойингнинг  
Ўртоғи бор-ку - Қумри,  
Эри казо қилибди,  
Ағнабди трактори.

Нега бўлди бунака...  
Паҳлавон тоға эди,  
Кўчадан рулда ўтса,  
Зўр бургутдака эди...

Сўнгра мен бир йилгача  
Қочиб юрдим аядан.  
Охири бир кун ўзи  
Чақирволди панадан.

Бағрига тортиб деди:  
- Ишлар қалай, куёвжон,  
Такдир экан, менга ҳам,  
Сизга ҳам бўлди ёмон.

Бизнинг уйдайдик, ойим  
Бу гапга аралашди:  
- Энди ўттизга кирдинг,  
Қумри, арт кўздан ёшни.

Тоқ ўтмайсан, барибир,  
Умринг гули олдинда.  
Уйингда ўғилчанг бор,  
Отасизлик қийин-да.

Шунда Қумри аянинг  
Юзи бирдан ёришди.  
Деди: Бунинг устига  
"Заказ" берган бу киши.

Шундай дея у мени  
Бурним чимчиб кўрсатди.  
Кўчага чиқиб кетдим,  
Қамчилаб новда отни.

Кейинрок билсам ая  
Бир кишига тегибди.  
Түй куни йиглаб, мени  
Сўрабди, қани, дебди.

Ойим менга ўша қун,  
"Куёв" бўлмай қол, -деди-  
Сени ўйлаб шошилиб,  
Қумри нобопга тегди".

Қумри аям уйида  
Туғилганда қизалок,  
Мен саккиз ёшда эдим,  
Ўтиб юрган шаталок.

Йиллар ўтиб мен анча  
Улғайиб қолган пайтим,  
Кўчада тўптош уйнаб  
Юрар эди кайлигим.

Зап чиройли қизчайди,  
Анор юз, кўз қуралай.  
Аmmo буни қарангки,  
Соков эди бутунлай.

Йиллар ўтди, ҳунарманд  
Йигит бўлдим-темирчи.  
Аскарликни ўтадим,  
Орзулар -хов тоғ учи.  
Забонсиз ўсмир қизга  
Нима деб ёзайин хат?  
Ойиси саломлашар,  
Бўлиб минг бир хижолат.

Дарвоқе, ойим бундок  
Келини истамасди.  
Ётлашди ўртоғига,  
Хўш, ким айбдор асли?

Мен дедим ўз-ўзимга:  
Мард бўл, пешонангдан кўр.  
Ойим Ҳилолга совчи  
Жўнатди бўлиб мажбур.

Зўр тўй бўлди, ёдимда,  
Оқшом эди ой тўлган.  
Ногахон Чустий домла  
Кепқолиб шеър ўқиган.

Соғлом берди худойим  
Уч қиз-у беш ўғилни.  
Танирсан, Ҳенжам диктор,  
Лол қолдирар булбулни.

Невара, чеваралар  
Бисёр, қора-қуралар...  
Олимлар-у гўралар,  
Баркамол-у гўралар...

... Аммо сен, мухбир ўғлим,  
Мен гапирган вақтимда,  
Сездим, қўл-билагимга  
Хайрон-хайрон боқдинг-а?

Ҳа, суҳбатда ҳар ўнта  
Бармоғим ўйнаб турди.  
Зеро, Тош буванг бахтин  
Бармоқларида қурди.

Ана, Ҳилол кампиршо  
Ошга дам босаётир.  
Мен пешинни ўқволай,  
Сен мусаллас тотиб тур...

14.04.2004



## ХУШ КЕЛДИНГ!

Хуш келдинг, Йигирма биринчи аср,  
Ниҳоят, Ер аҳли сенга тўшар йўл.  
Ушбу дам дилларда шул сўз муттасил:  
Саодат асри бўл,  
Тинчлик асри бўл! ●

Бағрингда не сирлар, мўъжизотлар бор,  
Кўражак омон қалб, омон ақл, қўл.  
Магар бўлмасанг-да жилвагар, дилдор,  
Сен Ҳикмат асри бўл,  
Тинчлик асри бўл!

Тинмагур одамзод Ойга дон экиб,  
Мумкин Марс саҳнида ўйнаса футбол.  
Вале, сен иймонга қўйма шам ёқиб,  
Сен Инсоф асри бўл,  
Тинчлик асри бўл!

Қани, чал бонгингни озод Ватанда,  
Ватанким, орзуси, тўй боласи мўл.  
Ўзбек байроғин ҳам уфққа қала,  
Сен Шараф асри бўл,  
Тинчлик асри бўл!

31.12.1999

## ОЛТМИШГА КИРИБСИЗ

*Йўлдош ака Самиевнинг таваллуд тўйида*

Олтмишга кирибсиз,  
Олтмишга кириш осонмас.  
Ёз бу! Олдда-олтин куз,  
Қишга кириш осонмас.

Кирк йилдирким тортасиз  
Газет ишин омочин,  
Бундай қия майдонда  
Кўшга кириш осонмас.

Фельетонлар куйдирди,  
Очерклар тўлиб-тошди.  
Китоб чикди — бу қалар  
Жўшга кириш осонмас.

Сўфий ҳаёт дарёсин  
Ёнбошида мажнунтол.  
Сизга фикран-да ўзга  
Ёнбошга кириш осонмас.

Кийиккина янгамиз,  
Куйинчагу хушчақчақ.  
Оқ толага сизларнинг  
Бошга кириш осонмас.

Етти фарзанд баркамол,  
Йигирма беш неvara.  
Бари сизни ўпай дер,  
Талошга кириш осонмас.

Томорқа сердаромад,  
Сўлим боғ-жаннатга туш.  
Зўр меҳнатсиз муқаддас  
Тушга кириш осонмас.

Вақтида қанча йирок  
Диёрларни кездингиз.  
Бугун, қаранг, ён-жигар  
Ўшга кириш осонмас.

"Жигули"ни бўятинг,  
Ёки олинг "Нексия".

Эски улов билан, хов,  
Шошга кириш осонмас.

Мухими, энди ижод,  
Шогирдлар билан пойга.  
Журналист оёгига  
Ковушга яриш осонмас.

Яна олтмиш йил демай,  
Юзга кириш, майли, сўнг...  
Олтмишга кирибсиз,  
Олтмишга кириш осонмас.

Хавас тўла бу шеърим-  
Муштдек юрак тўлкини.  
Кафтда тўриш осондир,  
Муштга кириш осонмас.

16.09.2002

## ИСКАБТОПАР ВА ЭҲМЧИ

*Замонавий ривоят*

Қари искабтопар  
Ёшига деди:  
"Чивинчам, ризкингни  
Ўзинг тер энди.

Ҳозир хов туйнукдан  
Муздай залга кир!  
Унда бор ўн тўртта  
Тинмас компьютер.

Беҳуда гингшима,  
Ичингда сўзла!  
Киргин-у тепакал  
Одамни кўзла.

Билаклари бикки,  
Чап билакка кўн.  
Чапига кўнсанг-да,  
Ишинг бўлсин ўнг.

Терисин кўринмас  
Тўкимасидан,  
Бир миллиард еттинчи  
Кўзчани топ, сан!

У ерда кеча мен  
Сукқан игнамнинг  
Изи бор, битмаган-  
Мен бунга амин.

Ўша тайёр издан  
Игначанг юбор.  
Қийналмай, қурсоғинг  
Тўлдиргил, шунқор!".

...Ўшандақа қилди  
Қобил чивинча.  
Ва қайтди хатарсиз,  
Кекириб пича.

Мавлоно ЭҲМчи  
Қашинди-ю сал,  
Дастур туза кетди  
Янада жадал...

18. 05.2005

## ЙЎҚОЛГАН АТОМ

*Болаларга*

Бу ҳодиса на сахро,  
На уммонда рўй берди.  
На АҚШ, на Россия,  
На осмонда рўй берди.

Қолаверса, ҳеч маҳал,  
На кишда, на баҳорда,  
На ўриқлар пишган ёз,  
На куз- хирмонбардорда-

Портламас у, алҳазар,  
Минг вольт токдай урмайди.  
Юртларни қилмас вайрон,  
Одамзодни қирмайди.

Қачон йўқолди?-Ҳозир,  
Беш минут орасида.  
Қаерда?-Аҳрорбекнинг  
Бир коса шўрвасида.

Атом қалампир қургур,  
Илинмас ҳеч қошиққа.  
Бола хўплаб шўрвадан,  
Кўзга ёш олди жикка.

Афтини бужмайтириб,  
Уришар ҳар ким билан.  
Олам тинч-ку, нахотки,  
Шунга шунчалик, жиян!

26. 11. 2001

## АНИҚЛАЙЛИК

*Каттароқ болаларга*

"Кел, юзимни ювиб қўй,  
Кел, артиб қўй бурнимни.  
Кел, хотин, сал муздайроқ  
Бурчакка сур ўрнимни.

Ишда беадад чарчаб,  
Бадан ёниб, бўғилдим.  
Мўйловимга атир сурт,  
Э, кулгингдан ўргилдим!

Билагимдан соатни  
Ечвол, бура, тўғрила!  
Ҳой, нега ўнг турибди  
Қўлим теккан пиёла?!

Уйқуям келмаяпти,  
Лампани буёққа бур.  
Бир нима ўқийин-чи,  
Газетани ушлаб тур!"

Ким экан бу - кўчага  
Чиққан овоз эгаси?  
Қўли бўлса, анақа  
Буйруқлари нимаси?!

Қиролдай ётган у ким-  
Экспертми, арқончи?  
Э, бўлди, қалампир-мурч  
Янчувчи тегирмончи...

Дарров демай: "анақа",  
Аниқлайлик шунақа.

14.05.2005

### ҚОЛАВЕРСА...

-Интид, бўтам, кечма парвоздан!  
Аммо, сенинг ёшингга қадар  
Мен учта чўнг роман ёзганман,  
Сенда токай шеърү шеърчалар...

- Устоз, баланд поянгиз азал,  
Ҳавас билан боқурман кўпдан.  
Қолаверса, узр, хар маҳал  
Калит кичик бўлар қулфдан...

27.05.2005



\* \* \*

Нисбатан олганда, омадлиман мен,  
Токатли, курашчан, гайратлиман мен.

Нисбатан олганда, хаётсеварман,  
Кўнглимдан доғларни осон юварман.

Нисбатан қаралса, киссам қуруқмас,  
Рўзгорим гилдираб турибди-ку, бас.

Бақадри хол дерлар, элдай-милёндай,  
Тер тўкиб яшайман, юлмай, тиланмай.

Нисбатан қаралса, кўз очик, шукур,  
Эмасман сиёсий ё бошқача кўр.

Нисбатан олганда, хаёлим тубсиз,  
Денгизда кайиғим, теппамда юлдуз.

Нисбатан қаралса, майли, пиёда,  
Изим кўпаймоқда ёруғ дунёда.

Нисбатан олганда, кай бир дўстдан, ох,  
Балки, Ер юзида ой-йилим кўпрок.

Худойим, кўлагил ҳамма, ҳар кимни,  
Кўлагил, юксалтир нолон-у жимни.  
Ёрит ич-ичимни, юксалтир шахсан  
Нисбатда назарда тугилувчимни...

30.05.2005

## РАШКЧИ КУН

Биласанми, нечун бетиним  
Яйраб юрдинг бугун май ичиб?  
Тиконга ҳам қоқавердинг им,  
Йиғладинг-ку хўкизни кучиб.

Биласанми, вақтинг не учун  
Айнан бугун роса соврилди?  
Тоғдай мавжуд муаммо-туғун  
Бир бог поҳал каби кўринди.

Биласанми, нечун алпона  
Ётиб, энди кўряпсан тушлар?  
Нега сўринг узра парвона  
Ўнгингда ҳеч учрамас қушлар?

Ҳаммасига сабаб Эрта Кун,  
Ташлаганди у сенга тузоқ.  
Жоду қилган, айлаган афсун,  
У айна кунингдан кунчиरोқ!

Унга керак Бугунги Кундан  
Буш қўл-у қалб билан чиқмоғинг.  
У истар - порласин мавж билан  
Бир унинг уфкида байроғинг.

Унга керак - тиш қайраган аҳд,  
Икки қарра куч билан то қаър  
Шунғиб, хато қилмасдан минбаъд,  
Топмоғинг самовий дур - гавҳар...

Энди тонгда туриб, ҳеч хафа  
Бўлмай, рашкчи кун измида жўш!  
Биласанми, нечун алпона  
Ётиб, ҳозир кўрмоқдасан туш...

22.07.2005





## САДАФХОНИМ

*Достон*

1

Қорни елпир телба изғирин,  
Чўғдай тортар кўзни хар чирок.  
Сирпанчик йўл кўрсатар ўйин,  
Рул тутганнинг хасрати бодрок.

Уйга қайтар Латиф Тошевич,  
Хар кунгидан барвақт-шомдаёк.  
Жўнаш керак Тошкентга шу кеч,  
Етиб бормоқ керак тонгги чок.

Кўрилармиш иши хайъатда.  
Таназулда у сарбон ўрчин,  
Уч йилдирки, темир ҳолатда  
Сарф этса-да бор фикрин, кучин.

Юкорида, эртага не гап  
Бўлар, сўров кўчарми енгил.  
Нурланарми биронта матлаб,  
Ечиларми бир тугун чигил...

Дарвозани очди ипакли  
Бокиб, мушфик ҳамдами Садаф:

-Келдингизми, йўлга керакли  
Нарсалар тахт, қўйдим ош дамлаб.

-Раҳмат, хоним, вақт деган пошша...  
Шоширмоқда шопур ҳам нуқул.  
Шунақа-да, кемага тушса,  
Хатто хон ҳам кемачига қул.

-Не десангиз денгу, дадаси,  
Ош едирмай жўнатмайман ҳеч.  
(О, эсгайдир жаннат нафаси,  
Бирга балкса меҳр ва ўтинч).

Ош устида олинди тилга,  
Бир жуфт фарзанд эрка, бахтиёр.  
Иккиси ҳам ўқир пойтахтда,  
Домлаларин бир йўклаш даркор.

Бири актёр, бири дипломат  
Бўлғусидир, Аллох қўлласа.  
Ўғил кўнгли кешлик қизга банд,  
Хар гапининг бошида — "Эса..."

Чилла чикди, ҳадемай кўклам,  
Эру хотин кўп интиқ баҳор.  
Қиркка тўлар хар иккови ҳам,  
Ташриф этар курсдошлар такрор.

Қаерладир жонон хонанда  
"Сен бўлмасанг, бошқаси-да" деб,  
Енгил куйлар... Бундан Садафга  
Не ғам, бекка бир ўзи марғуб.

Сухбатда рух чўкка эпкиндек,  
Живирлайди кўз уқалаб ишк.  
Хонимига суқланар эркак,  
Кўнглида бир рағбат бетийик.

Ушлатмайин билагин хоним,  
Бош чайқади нозли, шакарлик.  
Соҳиб ўйлар: уч-тўрт ҳафтаким,  
Тун кечмабди нафас куярлик.

Шу он, яқин ҳовлида тургич  
Шопур келди: "Кетдик, хўжайин!"  
Сергакланди Латиф Тошевич,  
Қулоғида: "Кейин, хўп, кейин..."

Йўлга чиқди оқ "Волга" гижинг,  
Юклони лиқ сархил неъматга.  
Садафхоним қичқирди: "Қайтинг,  
Болаларни кўриб, албатта!"

Қор ёғарди, оқ ғоз тўшидан  
Тўкиларди оқ укпар гўё.  
Ҳаво тоза, кўнгил эрувчан,  
Кеча гулувкашу дилрабо...

2

Орадан беш соатча кечди,  
"Волга" қайтди гизлаб уй томон.  
Довон йўлни босмиш қор кўчки,  
Илгарилаш эди беимкон.

Дарвозани очиб хўжайин,  
Итга ҳуштак чалди оҳиста.  
Фингшув келди бурчакдан ҳазин,  
Нега Кўкёл ҳамон қафасда?

Уйғотай деб хотинни олдин,  
Катаккамас, ром сари юрди.  
Ва илгакда бегона пўстин,  
Қора қундуз телпакни кўрди.

Оромгоҳдан эшитди ногаҳ,  
Шиквали ун, шивирлов бўғиқ.  
Наҳот, бунда қандайдир эркак,  
Наҳот, бунда итлик, бузуклик?!

Бир аянчли инграб, гуалаб жон,  
Кириб, чироқ ёкқанда беҳос,  
Кўз ўнгида бўлди намоён  
Икки чирмаш вужуд белибос.

Полос узра ўрмалаб қочган  
Икки шармандага боқди-ю,  
Бирдан ўчди жисмида фиғон,  
Борлик гўё тубсиз қора сув.

Бориб шумшук эркак устига,  
...Дўпписига қўл чўзди беҳис.  
...Ўз бошига қўндирди аста,  
Чиқиб кетди бесадо, сўзсиз.

Бошда гилам ёт дўппи магар...  
Чап қўйнида сафарга боя  
Олган ханжар қинда ўртанар,  
Ҳар не жонга бир зарб кифоя...

Шу ҳол чиқиб болаҳонага  
Ағдарилган ҳайкалдай ётди.  
Тонгда уни катак тирнаган  
Тозининг "ак-ак" и уйғотди.

3

Ишдан қайтди Латиф Тошевич,  
Ҳеч гап йўқдай сўрашди хушҳол.  
Тошкентга ҳам бориб келганмиш,  
Учоқ билан барвақт, бемалол.

Садафхоним қозонин осди,  
Қабоклари йнғидан муштдек.  
Чой келтирди, дастурхон ёзди,  
Сас-садосиз юриб мушукдек.

...Аёл ногоҳ додлаб юборди,  
Таомга қўл чўзишган асно.  
Эр бошида, бирдан кечаги  
Дўппи бўлиб қолганди пайдо.

Хоним боғда бужуртан нокка  
Ойдек юзин ишқаб йиғлади.  
Айёмларда узуклар таққан  
Бармоқларин тишлаб йиғлади.

Қамалволгач эри ҳужрага,  
Кечган кунги вос-восга тушди.  
Ўзин осмок бўлганди боя,  
Яна шуни ўйлаб қунишди.

Борми энди ҳаётдан маъни,  
Ювиларми бу гуноҳ машъум.  
Ана, илон нусха арғамчи,  
Чидаса бас бир лаҳза, бир зум.

Ортда қолар азоблар заққум,  
Ором топар танда эриш жон.  
Лекин, лекин... бунда эрта кун,  
Ёмон гаплар қайнар бегумон.

Қийин қилиб кетар эрига,  
Хиёрати устига-уштак.  
Сўрок, тергов, миш-мишлар... сўнгра,  
Ишидан ҳам қувилса керак.

Ахир, не-не орзулари бор,  
Бўлмок истар юрт Юсуфбеги. \*  
Етим эди, тиргаксиз бирор,  
Заҳмат билан мансабга етди.

---

\*“Ўтган кунлар” романи қаҳрамони назарда тутилади.

Оғзи ошга етганда, нечун  
Бурни тошга тегар. Йўк, баттар... —  
"Хотимининг жонига зомин  
Бўлган" деган лаънатга қолар.

Айби нима, сени бирор бор,  
Хўрлаганми кўзларинг ёшлай.  
Ахир, нечоғ жўмард, ғамгузор,  
Парвонанг-ку қурбон бўлгудай.

...Дафи этишар сўнг жанозасиз...  
Хайронликда котар болалар.  
Бир гап бор деб қизи дадасин,  
Таламасми, албатта талар!

Бутраб кетмайдими хонадон,  
Неваралар бунда туғилмас.  
Қадам узиб кетар дўст-ёрон,  
Миш-мишли уй гулшан бўлолмас..

Аёл қўлда тутгани ола-  
Ит чилвирини ташлади ўтга.  
Тушми бу, ўнг- бир бургут кела,  
Юрагини тортди човутга.

4

Эрта тонгда эр хушқол, хуштаъб,  
Бека билан қилди нонушта.  
"Ўзинг ҳам ол қаймоқдан, Садаф!  
Ток қўйибсан нонларни, учта..."

Идорада Латиф Тошевич  
Боши билан шўнғиди нишга,  
Лек мажлисда нутқин "серхивич"  
Муовинга берди ўқишга.

Боқар экан қўйига ҳорғин,  
Кўзи тушди ўша кимсага.  
Кўп қатори эгмишдир бўйнини,  
Дафтар- калам қўйиб тиззага.

Аблаҳ! Гарчанд раис ҳамда кал,  
Товуқча йўқ миядан асли.  
Тепароққа "узатиб" турар,  
Зўр ғаддорнинг салкам баччаси.

Унга- ўрчин каттасига ҳам  
Ўринбосар бўлмоқчи бўлган.  
Бултур, пора таклиф қилган дам,  
Мулзам этиб, нари сурилган.


Хева қайда десанг, Бағдодни  
Кўрсатади харита узра.  
Мен Латифни эмас, давлатни,  
Шундайлардан, Худойим, асра!

Шўринг курсин, Латиф Тош ули,  
Не кўргулик сени чулғади.  
Келиб-келиб тўшагингни шул,  
Понгвош, палид кимса булғади.

Ўлтирибди ўрта қаторда,  
Аччиқ кулиб устингдан балки.  
Сени, сендек раҳбарнинг унга,  
Борми энди қултойдан фарки.

Ажаб, нурдай тоза Садафни  
Қандоқ этмиш домига асир.  
Қандай қилиб кўнглини топди?  
Эҳ, чархи зол, дунёйи қўтир...

Салчиб турди Латиф Тошевич,  
Пастга назар ташлади бир қур.  
"Хориждан бир меҳмон келганмиш", -  
Деб мажлисдан сўради узра.



5

Анжумандан тўғридан-тўғри  
Уйга келди Латиф Тошевич.  
Узок ҳаммом қилди. Сўнг узи  
Тозалади паловга гурунч.

Оддий ҳаёт нақадар маъза,  
Чубирлик йўк, хўжайинлик йўк.  
Юз эврилиш лаҳза-балаҳза,  
Елимлик йўк, тўнғбўйинлик йўк.

Мана, ҳозир хоҳлаган асно,  
Болаларга сим қоқиб, узок,  
Ҳол сўрайди бафуржа, ҳатто,  
Билар шарф керакми, қалпок?

... Қани энди, бир оролчага  
Капа тиксанг, ё бўлиб фермер,  
Кирмай ҳеч бир кўйу-кўчага,  
Ерга тўксанг реза-реза тер.

Эҳ, нималар деясан, тўра,  
Чин дилданми бу истак, асло!  
Қирқ йил фермер бўлгандан кўра,  
Афзал уч ой бўлмоқ раҳнамо.

Сабабини билурсан жилла,  
Жим бўл, бошқар, отни олға сур.  
Шоҳкўчада хашар ташкилла,  
Нақшин бино, фаввора қурдир.

Шу тариқа қозонгайсан ном,  
Шояд яна кўтариласан.  
Билки, ишдан кетдингми, тамом,  
Минор эсанг, қудук бўласан.

Эр сим қокди шаҳри азимга,  
Бека ёндош турди жонсарақ.  
Гаплашдилар, ўғил-да, қиз-да,  
Ғам-ташвишсиз, "беш" баҳолар нақ.

Дастурхонда палов мурчланди,  
Пиёлада жилваланди чой.  
Садаф лабин куйдириб олди,  
Туйқус энтикканди, хойнаҳой.

Кўнгли пича ёришувди рост...  
(Онийди бу руҳдошлик зотан),  
Бундоқ бокса, анов бошда боз,  
Ул ёт дўппи хунук чўққайган...

Хоним ўзин отди ташқари,  
Фарёд чекди, ингради, ўчди.  
Нима қилсин, ким айтар, қани,  
Муз-муз чинни устунни қучди.

Кўкка бокди- чўян сукунат,  
Ерга бокди- изиллар симлар.  
Йўлакчада судралди. Фақат  
Шафқатлийдн Хотира... -имлар...

Ёдга тушди энг масъуд дамлар,  
Талабалик, мак бор танишув,  
Ётоғига Латиф шайдодан  
Қоғоз каптар учгани зув-зув.

Кўз олдида: биринчи висол,  
Бўзсув бўи, Тошкент сийнаси.  
"Сизга ёқар менми ё хаёл", -  
Деб йигитга қилган гинаси.

Ёдга тушди: йигит пахтадан,  
Дийдор учун қочиб келгани.  
Деканатда сўнг: "Қаъбам томон  
Қочдим", дея кўжрак кергани.

Кўз ўнгида: соя қўшалок,  
Ойдан ёккан ипак орзулар.  
Тирсак уриб бутазорга гоҳ,  
Яна тўғри интилган йўллар.

Ёдга тушди: "Ғазал оқшоми",  
Олам тўлиб ишққа, умидга,  
Биргаликда гул тутганлари,  
Саҳна узра Эркин Воҳидга.

Ана, ўсган уйи, пешайвон...  
Ёлғиз она - тақводор, солих.  
Қиз ва йигит тиз чўкиб, ундан  
Олмоқдалар тўйга ризолик.

Кўз ўнгида: чимилдик, ёр-ёр.  
Тўй эртаси, шом... хуррам янга.  
Чўчиб тушган эди, ёт аёл  
"Балли" дея алқаб кучганда.

Кўз ўнгида: оила кўшин  
Теппа-тенгдан тортишганлари.  
Бола туғиб, бисотта кўшиб,  
Кўпайишган, ортишганлари.

Нима қилиб қўйдинг, ай Салаф,  
Қаёқдайди ақлинг ул кеча.  
Заҳар ичсанг бўларди қақшаб,  
Яйраб қултум шароб ичгунча.

Ўша кеч ким эди у: "Бизнинг  
Маликаи Туронот", - дея,  
Бошлаб келган, даврада қизгин  
Сухбат бошлаб берган таъвия.

Хотинимас. Жодугармиди,  
Қачон ғойиб бўлди ўртадан?  
Нима эди сўнгра дилингни  
Қароқчига мойил айлаган?

Эхтиросга илҳақликми, ё  
Қизиқсиниш ёт қўлга-шуми?  
Нима этди орингдан жудо,  
Ё эрингга ўчакишувми?

Ана, кафтинг тутиб у осон,  
Қўйди жажжи заррин қутича.  
Очдинг... ноёб эроний маржон,  
Тақдинг, доим таққанинг еча...

Кейин нима бўлди билмайсан,  
Сархуш бўлдинг, эс-хушсиз бўлдинг.  
Алхол, тунда тўшак узрамас,  
Тобут узра калкидинг-ўлдинг.

Ўтиб кетмиш яхшиям онанг,  
Фарзандларинг йироқ хартугул.  
Энди қайси бурчак-хобхонанг,  
Қузғун тўла жарликда ётгур!

6

Эланмоқда кунлар алаги,  
Тун, кун... хаёт измида гўё.  
Эру-хотин маҳалладаги  
Тўйга бирга боришди хатто.

Аmmo хоним хожаси ила  
Уйда ёлғиз қолишдими, бас,  
Вужудида нақ кўксин кўзлаб,  
Ўрмалашин бир чаён қўймас.

Ана, қайлардандир том оша  
Карнай-сурнай товши келганда,  
Яна эрнинг бошига ўша  
Дўппи чикди-улкан газанда...

Етган жойи - боғча этаги,  
Садафхоним узок ўлтирди.  
Ҳаловат деб оққан юраги  
Хаёлларин минг ёққа сурди.

Туйнуксиз ғор қаърида оқчил,  
Парча кўзгу учраса, ҳарна.  
Йўқ, зулматга кўникмас ҳеч дил,  
Ёғду сочар ҳаргиз хотира...

Бот намоён ёшлик, гўзаллик,  
Бахт излашлик, кутиш-асаллик.  
Ёндош юриш куйлик, ғазаллик,  
Бурун тортишдан-да ўсаллик.

Ёдга тушди: Чорток, ёз, июнь...  
Геологлар маскани. Тоғ-тош.  
Ёзишмоқда диплом ишларин,  
Чодирларда ўн беш сабоқдош.

Сарин оқшомларда сайрлар,  
Қирдан-кирга ўтишарди гоҳ.  
Ва адашиб қолиб бир сафар,  
Икков топди полиздан паноҳ.

Асал хаволарга ғарқ қапа,  
Садаф ётар томчасида тинч.  
Пастда қолган Латиф кўп хафа,  
Шеър ўқийди: "Ҳижрон, тезроқ кеч..."

Тонгда йигит қизни томчадан  
Кучоғига тортиб туширди.  
Сўнг иккови анча пайтгачан  
Бир-бирига қаролмай юрди.

Ошиқда рашиқ, ор эди қийғос!  
Бир геолог шалварин Садаф  
Ямаб бериб ўйламай, бехос  
Муштлашувга бўлганди сабаб.

Ўзинг ҳам зўр эдинг-да, Садаф,  
Атлас эди чит ҳам эгнингда.  
-Қаранг, коврак гуллабди, ажаб?!  
-Сен бармоғинг билан тегдинг-да.

Ёдга тушди: Норин, Учқўрғон,  
Чекка қишлоқларга саёҳат.  
Фақирларнинг ҳолидан дил қон,  
Табиатдан тўкис фароғат.

Ёзёвонда муқаддас булок,  
Сув ичгали тушмоқ олдидан,  
Ёри тухфа қилди рўмол ок,  
Деди: "Бир қиз, бир ўғил тила".

Нориндарё ва Қорадарё  
Туташган жой... Улуғ Сир тўлғин.  
Лутф этганди муниси Раъно: -  
"Никоҳингни шунда ўқитгин".

Ёдга тушди: илк фарзанд, Диёр,  
Уй тўйи ва севинчлар турфа.  
Аччиққина армони ҳам бор-  
Чала қолди аспирантура...

Қани энди, эри шу фурсат,  
Келиб деса: "Бўлди, бас, хай тур!"  
Дуо қилар эди то абад,  
То суяги бўлгунча кўмир...

7

Етти кунки, ҳар кун шу ахвол  
Эр уйда пайт, кейин ё дарров  
Кийиб олар ул дўппини дол,  
Садафхоним жонида бўров.

Нақшин гилам дўппи жигарранг,  
...Телпак билан кийилган, тайпоқ.  
(Бир тийинга арзимас аслан,  
Лекин ҳозир жондан устунроқ).

Хоним бугун уйдаги барча,  
Хонви хос, пасту баландни.  
Титкилади холи қургунча,  
Топилмади ўша лаънати!

Оқшомда эр лабда чалиб куй,  
Кўринганда дўппида маъшум,  
Садафхоним сўнги бор қатъий,  
Ўз-ўзига ўқиди ҳукм.

Шунча кунки емасди овқат,  
Ўқчирди не "жиз-биз"ни курса.  
Туз тотмасди, эрта-кеч фақат  
Сув ичарди коса ва коса.

Шуҗдай қилар, топилди илож,  
Туз тотмайди бундан кейин ҳам.  
Шундай қилар, рамзи қайрағоч-  
Отасининг руҳига қасам!

8

...Хотинини Латиф Тошевич,  
Деразадан туйқус, бошяланг,  
Кўриб колди-қора қуюн соч  
Оқарганди буткул, шўрхокраңг.

Ёқа тутиб, жимираб бадан,  
Шивирлади совук: "Иш чаток".  
Тонгда, қўлқоп кийиш олдидан,  
Бош ҳақимга қилди қўнғироқ...

9

Ўн беш кунки, бу дунё золга  
Боғлиқлиги банд-банд узилиб  
Турган вужуд, кўринмас дорга  
Борар барги хазонин тизиб.

Икки фарзанд, чақмоқдай бешак  
Етиб келди чақирилган кез.  
Аясини абгор, қоксуяк,  
Ҳолда кўриб уввос тортди қиз.

Аланган оташда қуяр,  
Томогидан сув ўтар фақат.  
Профессор, табибу, дигар,  
Биля олмас-ёпишган не дард?

Масъул ҳақим ночор вади қўл...  
Шу дам кўкни мавжлантирарок,  
Бир рух келди: "Бу юрак мажҳул  
Шуур билан сўнмасин бундок!"

Ёстигига Садафхонимнинг,  
Эри шу кун тўкди қайнок ёш.  
"Кечир мени, якка-ёлғизим,  
Кечир мени, меҳрибон йўлдош".

Мудрок кўзлар чакнаб дафъатан,  
Лабдан учди кучланган товуш:  
-"Ўтинчим бор, уйда айтаман,  
Уйда... уйда... кейин, хайр-хўш."

10

Ўз уйида ёзилган ўрин  
Узра аёл кўз очиб бир гал,  
Яқинига имлади эрин,  
Пичирлади хокисор, жадал-

Деди: уйда бир соат якка,  
Қолайлик биз, бўлмасин ҳеч ким.  
Болалар ҳам кетсин бир ёққа,  
"Осмон... учгим келяпти, учгим..."

Шундай қилди Латиф Тошевич,  
Хоним яна кўз очган асно,  
Кўксига бош чекди аста, тинч,  
Қулоғини қилди жо-бажо.

Аёл ҳар бир сўзда бир тўхтай,  
Изҳор этди бир зор, тавалло...  
Эр ташқари отилди ўкдай,  
Укирарди ҳайвондай гўё.

У қайтганда Садафхонимнинг  
Юзларида - олис чаманда  
Шарпаланди ол ранг... Фаними  
Келтирилган эди лаганда.

Курсичага кўйиб лагани,  
Эр чақди ул дўппига гугурт.  
Аста қора ёлқин авжланди,  
Ташқарини кўзлаб сузди дуд.

Мўъжаз олов... Аёл бечора,  
Энтикмаса наmunча тотлик.  
Мўъжаз олов... Ҳеч ким дунёда  
Ўтдан бунча туймаган шодлик!

Эр ҳовуч кул қолган лагани  
Ташқарида мажаклаб, кўмиб  
Келганида, аёл ухларди,  
Юзи баҳор аксига чўмиб.

11

Садафхоним унсиз жилмайиб,  
Икки фарзанд ва ёрга боқди.  
Сўнг бор нафас олди бир тўйиб,  
Кейин боши ёнбошга оғди...

...Қаро ерда, мазористонда  
Янги қабр бўлганида бут,  
Сузиб юрар эди осмонда  
Оппоқ булут, парча оқ булут...

1989, январь,  
2001, март.





\*\*\*

Отлансам бас, ҳаргиз имкон бор,  
Ўз Хоразмим, йўли не бўпти.  
Лекин яна, кўкламда, такрор  
Муздайгина сувратинг ўпдим.

Билмам, кейин-фироқлар чоғи,  
Нетиб ўзни жамладинг маҳкам.  
Балки, ҳозир бахтинг чироғи  
Чатнаб кетар томчи ёшдан ҳам.

Андишамни тугал айтсам, бот  
Соғинч қуши туш босар тошга.  
Йўлласанг-чи, ўзинг бирор хат,  
Мавзу топиб, майли, бир бошқа...

4. 05. 2005

\*\*\*

Қорларга чик, оппоқ қорларга  
Майдонларда энтикиб югур.  
Капалаклар қўнар елкангга,  
Чўчитмасдан нафас ютиб тур.  
Қорларга чик, оппоқ қорларга.

Гўзал ўйлар чулғайди сени,  
Қор кўксига рубобий сўз ёз,  
Ёз, севикли ёринг исмини,  
Бошқа сўзга увол бу қоғоз.  
Гўзал ўйлар чулғайди сени.

Юмшоқ қорлар отишар сенга,  
Бугун шафқат айёмидир, о!  
Улуғлигинг тушар эсингга,  
Бағрингдаги гўдакдай Дунё,  
Юмшоқ қорлар отишар сенга...

20.01.1978

\*\*\*

Ўша етти кунни унутмадим ҳеч,  
Сихаттоҳ. Борлик қор. Гулшан дераза.  
Шаппатингдан бетим ёнди-ку илк кеч,  
Ёдимда, қаҳрингдан муз бўлган бўса.

Ёдимда, эртаси спорт соатиде  
Тўпни фақат менга узатганларинг.  
Хонангга кузатиб қайтар пайтимда,  
Шарфимни, ёқамни тузатганларинг.

Узру меҳр тўла кўзинг қароғи,  
Дилимга шафик нур қуярди лим-лим.  
Илож топсам, ҳар гал сўрашув чоғи,  
Улгуриб, қўлқопинг ечтирмас эдим.

Шундай, оддий ҳоллар, енгил қасирға...  
Бироқ мен севгидай эслаб юрибман.  
Ёдимда ҳаммаси, икковмиз бирга  
Атиргул ҳидлашдан юккан грипп ҳам...

10.07.2001

\*\*\*

О, баҳор тонглари, ҳаволар асал,  
Кўкда ночор ўчди охирги юлдуз.  
Бугун маҳаллада ҳаммадан аввал  
Уйғонди юраги ўзидамас қиз.

Кўча супурмокда эди, нигоҳи  
Туташди ҳув йўлдан мафтун қарашга.  
Йингит шоша-пиша, қўлида қопи,  
Кетди оҳак излаб девор бўяшга.

Қиз элак опчиқиб, ариқ ёқалаб  
Юрди, ялпиз териш баҳонасида.  
Кўприкчага етмай, кийикдек сакраб,  
Пайдо бўлди қуюқ талзор остида.

У ерда гул юзин куйдириб ҳаё,  
Қидира бошлади алланимани —  
Оқшом тушиб қолган исирғасин, ё  
Камзулида бўлгич баланд тутмани...

21.06.1995

## АЙТИНГ, ЎША ГУЛГА...

### *Биолог дўстларимга*

Кеча нодир гуллар кўргазмасида  
Жажжи бир гул кўрдим, муъжиза айни!  
Сиз уни биласиз: андак қўл тегса,  
Шоҳ - барги ўзини таппа ташлайди.

Бу қадар назокат! Бу, табиатнинг  
Хайратга оч диллар сари эҳсони.  
Эрмагими, йўк - йўк, ҳикмати анинг,  
Балки хулқимизга қарши исёни.

Аллакимнинг ўша гулга эгилгач,  
Атрофга ўғринча қарашин кўрдим.  
Ва яна кимнингдир гулни "сўлдиргач"  
Билагин яхшироқ ўрашин кўрдим...

Сизлар билурсизлар ҳар гиёҳ тилин,  
(Зотан, хуш таъсирлар йўли кўп фанда),  
Айтинг ўша гулга, бундай қилмасин,  
Лоақал болалар қўли текканда...

15.07.2005

## МЕН СЕВГАН ҚУШ

### *Мақомчи санъаткорларга, эҳтиром ила*

Анхорли кучамиз этакроғида  
Бир туп қайрағоч бор қудратсари, алп.  
Ёз фасли, шу кунлар сахар чоғида,  
Қошига бораман бот-бот дил ундаб.

Қушчалар базмидир манним томошам,  
Шоҳдан-шоҳга сакраб қувнашар роса.  
Хур-хур усулларда куйлашар ўктам,  
Чуғур-чуғурлари инжу, азиза.

Айникса, биридан жонпарвар садо  
Таралиб-таралиб руҳим алқайди.  
Қушчалар жўрлиги чийратма, аммо  
Ўшасин нағмаси - ғазал шохбайти!

Лек билмам, қай бири ўшал яктоси,  
Таний деб тикилиб тураман қанча.  
Бир хилда барининг қўнув-парвози,  
Жажжи, олалиги, ўкчасигача.

Эй қушча, ажралиб чиққин бир дейман,  
Ўзингни кўрсатсанг "Мен!" деб на бўлғай?  
Лоақал мен факир назарига сан,  
Бир бор тушиб қолгин, умринг-қу елдай...

Дейман: бошқалардан фарқланмоқ учун,  
Диққатни тортмоқ-чун излаб минг имкон,  
Не кўйларга тушмас одамлар бу кун,  
Сен ҳам бўл бир лаҳза монанди замон!

Қушча тушунарми?  
Тушунмас, кўпдай-  
Ҳаммадай қай шохда ўйнар, қотар тек.  
Наздимда, уни ҳеч таниб ололмай  
Куйишимдан лаззат туюётгандек...

14. 02. 1998



## МУНДАРИЖА

Тонг.....	3
Жавоб.....	4
Жаҳон, харитангда.....	5
Жўнатилмаган мактуб.....	6
Рауф Парпи хотираси.....	9
Сиёсий иқтисод ҳақида шеър ёки дўстимга тилагим.....	9
Манзара.....	10
Муздай зилол сўзлар билан.....	10
Портрет.....	11
Нола.....	13
Воқиф.....	15
Сенсиз.....	16
“Сувора”ни тинглаб.....	17
Қовурилмаган данаклар (тўртликлар дафтаридан).....	18
Ботир Зокиров.....	21
Муҳаммад Юсуф.....	22
Лаҳзалар кўналғаси .....	24
Юртим боғлари.....	26
Тошмир буванинг севгиси.....	28
Хуш келдинг!.....	34
Олтмишга кирибсиз.....	34
Исканбтопар ва ЭҲМчи.....	36
Йўқолган атом.....	37
Аниқлайлик.....	38
Қолаверса.....	39
“Нисбатан олганда..” .....	40
Рашкчи кун.....	40
Садафхоним (достон).....	42
“Отлансам бас...” .....	59
“Қорларга чиқ...” .....	59
“Уша етти кунни...” .....	60
“О, баҳор тонглари...” .....	60
Айтинг, ўша гулга.. ..	61
Мен севган куш.....	61

**Адабий-бадний нашр**

**Ёқуб ДАРМОН**  
(Дармонов Ёқубжон Каримжон ўгли)

**КУМУШНИНГ АСРИДАН  
КЕЛГАНДАЙ БЎЛДИНГ...**

**Шеърлар ва дoston**

Мухаррир: **Мусо АКМАЛ**  
Мусаввир: **А. ДАДАБОЕВ**  
Тех. муҳаррир: **Ш. МАМАЖОНОВ**  
Мусахҳих: **О. ДАДАБОЕВ**



Теришга 2005 йил 3 августда берилди. Босишга 2005 йил 6 сентябрда рухсат этилди. Бичими 60-84 1/16. Ҳажми 4,0 босма тобоқ. Газета қоғозига офсет усулида босилди. Адади 1000 нусха. Буюртма № 3823. Баҳоси келишилган нарҳда.

---

“Наманган” нашриёти  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

---

“Ибрат номли босмахона” ОАЖ. Наманган шаҳри,  
Навоий кўчаси, 36-уй.